

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

САЙФУЛЛАЕВ СИДИК НОСИРОВИЧ

ҲУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИНГ СТАТИСТИК ТАДҚИҚИ

08.00.06. – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences**

Сайфуллаев Сиддик Носирович

Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
фаолиятининг статистик тадқиқи 3

Сайфуллаев Сиддик Носирович

Статистическое исследование деятельности малого бизнеса и частного
предпринимательства в инновационном развитии регионов 27

Сайфуллаев Сиддик Носирович

Statistical study of the activities of small businesses and private entrepreneurship in the
innovative development of regions 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

САЙФУЛЛАЕВ СИДИК НОСИРОВИЧ

ҲУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИНГ СТАТИСТИК ТАДҚИҚИ

08.00.06. – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1674 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тошматов Зойир Худойбергенович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Беркинов Бозорбой Беркинович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нуриддинов Зуфар Акбарович иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.I.16.03 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-41-23, e-mail:tdiu@tdiu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел: (99871) 239-28-72)

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Д. Хажиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Н.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зурурати. Жаҳонда глобал миқёсдаги рақобатнинг кучайиб бориши шароитида кўплаб ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)дан аҳоли бандлигини таъминлаш, рақобат муҳитини шакллантириш, инновацион фаолликни кўллаб-қувватлаш, ижтимоий тенгсизликни юмшатиш бўйича муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияларни амалга оширишда самарали фойдаланилмоқда. КБХТнинг анъанавий тарзда иқтисодиётнинг ўсиш суръатини кўтаришда ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасида улкан салоҳиятга эгаллиги намойён бўлмоқда. «Ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг таркибида КБХТ соҳасининг ҳиссаси 50 фоиздан юқори, банд аҳолининг 63 фоизи ушбу соҳада машғул эканлигини кўришимиз мумкин»¹. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, ҳудудларнинг инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги глобаллашув шароитида ҳудудларнинг инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятдан фойдаланиш тадқиқига йўналтирилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳудудларнинг иқтисодий-инновацион ривожланиш салоҳиятини баҳолаш, унда КБХТнинг таъсир даражасини аниқлаш, бизнес фаолиятини замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этишнинг янги восита ва шакллари таркиб топтириш, соҳанинг аҳоли даромадлари, янги иш ўринлари яратишдаги қўшимча имкониятларини сафарбар этиш, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва рағбатлантиришда инновацион ва рақамли платформалардан фойдаланиш, ҳудудлардаги ички салоҳиятни кичик тадбиркорлик фаолияти орқали ишга солиш кабилар бу борадаги илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда юқори ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда ҳудудларни инновацион ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётни модернизациялашда кичик бизнес субъектлари фаолиятида янги маҳсулотлар ва технологиялар яратиш ҳамда экспортбоп товарларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион сиёсатни юритиш тақозо этилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг «Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, sanoat корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш» номли 51-мақсадида «Инновацион ҳудудга айлантирилаётган туманларда мавжуд аналогларидан 50 фоизгача арзонлаштирилган ва сифатли, хом ашё нархига нисбатан 2-3 баравар юқори қўшилган қиймат яратадиган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш, шу жумладан, умумий қиймати 165,9 миллиард сўмлик жами 195 та лойиҳани

¹ <https://www.worldbank.org/en/topic/smefinance> маълумотлари.

амалга ошириш»² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни самарали амалга оширилиши ахборот-коммуникация ва дастурлаш хизматларини ҳисобга олиш методологиясини халқаро тавсиялар ҳамда тажрибалар асосида такомиллаштириш, ҳудудларни инновацион ривожланишида КБХТнинг статистик кўрсаткичлари асосида ҳудудлар рейтингини аниқлаш, ҳудудларнинг инновацион ривожланишида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан технологик, маркетинг ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар ҳамда ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар нисбати индексига асосланган услубий ёндашувларни киритиш, кўп вариантли эконометрик моделларни қуриш асосида КБХТ фаолиятининг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ўрта муддатли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш каби илмий-услубий масалаларнинг тадқиқ этилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизминини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Мавзуни ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда кичик бизнеснинг ролини статистик баҳолашнинг назарий жиҳатлари хорижий олимлардан: Ж.Сей, М.Кейнс, А.Маршалл, Й.Шумпетер, В.Валес, Z.Greenberg, Y.Farjab, C.Leonidous, M.Hultman³ ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан бизнес жараёнлари ва моделларини назарий ҳамда амалий жиҳатларини ўзига

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. - <https://lex.uz>

³ Сей Ж.Б. Трактат политической экономики. – М.: Экономика. 1985. – 55 с., Кейнс М. Избранные произведения. Пер. с англ. М.: Экономика, 1993. – 436 с., Маршалл А. Принципы политической экономики. – М.: Прогресс, 1993. – 415 с., Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1985. – 159 с., Vales W.J. Empirical research on entrepreneurial orientation: An assessment and suggestions for future research / W.J. Wales, V.K. Gupta, F.T. Mousa // International Small Business Journal. – 2013. - №31(4). – P. 357-383., Russell S. Sobel. «Entrepreneurship and human capital: the role of financial development: The role of financial development»_International Review of Economics and Finance. 2018, doi: 10.1016/j.iref.2018.01.020. Zeevik Greenberga, Eli Gimmon «Embeddedness and growth of small businesses in rural regions».2018 Constantinos N. Leonidous, Magnus Hultman «Global marketing in business-to-business contexts: Challenges, developments, and opportunities».2018 journal homepage: www.elsevier.com/locate/indmarman;

хос йўналишда В.Репин, М.Рыбаков, В.Елиферов, Андерсен Бьёрн, М.Абрютина, А.Белов, С.Казанцев, И.Меренкова, А.Носов, О.Пантелеева, С.Струмилин, Д.Сепик, Г.Добрин, А.Карлик, М.Бухалков, В.Васильев, А.Шеер, Г.Калянов сингари олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁴.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш иқтисодий тармоқларидаги ҳамда инновацион тараққий этириш муаммоларини статистик ўрганиш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан В.Қабулов, С.Ғуломов, Б.Ходиев, Т.Шодиев, Б.Беркинов, Н.Махмудов, А.Абдуллаев, Т.Ахмедов, Б.Салимов, Б.Рўзметов, Ҳ.Абулқосимов, А.Қулматов, Б.Ғойибназаров, Ҳ.Раҳмонов, Ш.Отажонов, Д.Алматова, Р.Аюпов, Г.Болтабаева, У.Гафуров, И.Бакиева, У.Мухторова, Ш.Файзиев, Ж.Урмонов, Х.Хужакулов⁵ ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

⁴ Репин, В. В. Бизнес-процессы. Моделирование, внедрение, управление / Владимир Репин. — 2-е изд. — М.: Манн, Иванов и Фербер, 2014. — 512 ст.; Михаил Рыбаков Юрьевич. Бизнес-процессы. Как их описать, отладить и внедрить. Практикум.— М.: Жураковская, 2016-2019. — 590 стр.; Елиферов В.Г. Бизнес процессы. Регламентация и управления. /В.Г.Елиферов, В.В.Репин. -М: Инфра-М.2004. -320 ст.; Андерсен Бьёрн. Бизнес-процессы. Инструменты совершенствования/ Андерсен Бьёрн. -М.: РИА, Стандарты и качество, 2008. -272 ст.; Абрютина М. С. Экономика предприятия: Учеб. / М.С. Абрютина. —М.: ДелоСервис, 2004; Белов А.И. Экономика организации (предприятия): Практикум / А.И. Белов, Г.Н. Добрин, А.Е. Карлик; Под общ. ред. проф. А.Е. Карлика. - М.: ИНФРА - М, 2003; Казанцев С.В. Потенциал экономики регионов России как основа их внутренней конкурентоспособности // Регион, 2004, №1; Меренкова И.Н. Диагностика уровня развития сельских территорий // «Региональная экономика: теория и практика», 2010, №24; Носов А.К. Управление взаимоотношениями в региональной кластерной структуре, связанной цепью поставок // «Логистика и управление цепями поставок», 2009, №6; Пантелеева А.П. Применение индикаторов устойчивого развития на региональном и муниципальном уровнях // «Региональная экономика: теория и практика», 2010. №22; <https://studfile.net/preview/2915227/page:38/>; Сепик Д. Индикаторы конкурентоспособности регионов: европейский подход // «Регион: экономика и социология», 2005,2; Бухалков М. И. Планирование на предприятиях машиностроения. Учебное пособие. - Самара: СамГТУ, 1995. - 56 с; Васильев, В.Н. Организация производства в условиях рынка / В.Н. Васильев. - М.; Машиностроение, 2003; Шеер А.В. Моделирование бизнес-процессов. - М: Весть-Мета Технология, 2000-2006.; Калянов Г.Н. Моделирование бизнес процессов//Практики управления. -2006. -302 ст.

⁵ Қабулов В.К. Алгоритмизация в социально-экономических системах. – Т.: Фан, 1989., Прогнозирование и моделирование национальной экономики. Пор. ред. акад. С.С.Ғуломов, А.М.Абдуллаев и др – Т.: Фан ва технология, 2007., Б.Ю.Ходиев. Ўзбекистон иқтисодий тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док. – Т.: ТДИУ, 2000. – 338 б., Т.Ш.Шодиев. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): дис.док.экон.наук. – Т.: ЕГЭУ, 1988. – 380 с., Ғуломов С.С., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 154 с., Беркинов Б.Б., Раҳмонқулова Б.О., Каримова Х.Х. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва ривожланиш жараёнларини моделлаштириш. Монография. Т.: Иқтисодий 2013 й., 147 б.; Рузметов Б. Оптимизационные задачи многоагрегатных комплексов. Модели, методы решения, программные модули. – Т.: Фан, 2010., Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б., Ғойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О., Отажонов Ш.И., Алматова Д.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққийтини юксалтириш омили. Монография. – Т.: Фан, 2011. – 184 б., Аюпов Р.Ҳ., Г.Р.Балтабаева. Кичик бизнес ва тадбиркорликда инновацион ривожланиш йўналишлари. Монография.– Т.: Фан ва технология, 2018, – 232 б., Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дисс. –Т.: 2017. – 309 б. И.А.Бакиева, У.К.Мухторова, Ш.Ш.Файзиев. Кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда инновацион маркетингдан самарали фойдаланиш. Монография // Т.: «Tamaddun» нашриёти 2017 й., 116 б., Ж.Ж.Урмонов. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш масалалари. Монография // Т.: «Iqtisod-Moliya» нашриёти 2018 й., 240 б., Хужакулов Х.Д. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг статистик таҳлили. Иқтисодий ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 4-сон, 2015 й.

Аммо амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларида бу соҳа фаолиятига тегишли назарий ва амалий изланишлар ҳудудлар кесимида чуқур ўрганилмаган. Шу сабабли бугунги глобаллашув ва демократик бозор ислохотлари шароитида КБХТ фаолиятини статистик таҳлил қилишни кенг қамровли асосда амалга ошириш, ҳудудларда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи омилларни статистик таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини статистик тадқиқ қилиш ҳамда истиқболларини прогноз қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳудудларни инновацион ривожланишида КБХТ фаолиятини статистик тадқиқ этишининг илмий-назарий жиҳатларини асослаш;

ҳудудларда КБХТни инновацион ривожланишини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳудудларни инновацион ривожланишида КБХТ фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий ҳолати ва уни статистик баҳолашда ахборот таъминотининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

ҳудудларни инновацион ривожланишида КБХТга таъсир қилувчи омиллар таснифини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳудудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўп омилли статистик таҳлилинини амалга ошириш;

ҳудудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни статистик усуллар ёрдами (танлаб кузатиш, panel data, индикатив баҳолаш, корреляцион-регрессион таҳлил, индекс таҳлил, рейтинг баҳолаш ва ҳ.к.)да иқтисодий-статистик таҳлил этиш ҳамда турли вариантлилиқ асосида истиқболларини прогнозлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги инновацион фаолиятда иштирок этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини ҳудудларнинг инновацион ривожланишида КБХТни тавсифловчи омилларни статистик ўрганиш ҳамда баҳолашга оид ижтимоий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, танлама кузатиш, динамика қаторлари асосида таҳлил қилиш, статистик гуруҳлаш, норматив модель, рўйхатли маълумотлар (panel data), иқтисодий индекслар ва корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот-коммуникация ва дастурлаш хизматларини ҳисобга олиш методологиясини халқаро тавсиялар ҳамда тажрибалар асосида такомиллаштириш ҳамда ҳудудлар кесимида кўрсатилувчи хизматларнинг статистик ҳисобини юритиш услубига кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликдаги инновацион жараёнлар таснифини киритиш таклифи асосланган;

худудларни инновацион ривожланишида КБХТнинг статистик кўрсаткичлари асосида худудлар рейтингини аниқлаш «юқори даража» (5,54 балдан 7,4 балгача), «ўрта даража» (3,67 балдан 5,54 балгача), «паст даража» (1,8 балдан 3,67 балгача) гуруҳларга ажратиш орқали такомиллаштирилган;

кўп вариантли эконометрик моделларни куриш асосида КБХТ фаолиятининг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2026 йилга қадар ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

худудларнинг инновацион ривожланишида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан технологик, маркетинг ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар ҳамда ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар нисбати индексига асосланган услубий ёндашувларни киритиш орқали кичик бизнес ва ишбилармонлик муҳити соҳасидаги кузатувларнинг самарадорлигини ошириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

худудларни инновацион ривожланишида КБХТ соҳасида хизматларни ривожлантириш бўйича «Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби бўйича услубий низоми»ни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган;

тизимли ёндашувларни қўллаш асосида КБХТнинг статистик кўрсаткичлари орқали худудлар рейтингини аниқлаш тизими ишлаб чиқилган;

худудларни инновацион ривожланишида КБХТ фаолиятини ифодаловчи статистик кўрсаткичлари замирида меҳнат унумдорлигининг даражаси аниқланган;

эконометрик моделларни куриш асосида КБХТ соҳасининг иқтисодий фаолиятини ўрта муддатли прогнози аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси статистик маълумотларидан олинганлиги, ишлаб чиқилган тегишли тавсия ва таклифлар, худудларни инновацион ривожланишига қаратилган устувор йўналиш ва тегишли хулосаларнинг масъул идоралар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан худудларни инновацион ривожланишида КБХТ соҳасининг иқтисодий фаолиятини статистик усулларда таҳлил қилишга оид махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялардан республикада КБХТ фаолиятини ривожлантириш ҳамда прогнозлашда, соҳани истиқболли ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқишда, шунингдек, назарий ва статистик маълумотлардан

олий таълим муассасаларида «Статистика», «Эконометрика», «Бизнес статистика», «Минтақавий статистика» каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг статистик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ахборот-коммуникация ва дастурлаш хизматларини ҳисобга олиш методологиясини халқаро тавсиялар ҳамда тажрибалар асосида такомиллаштириш ҳамда худудлар кесимида кўрсатилувчи хизматларнинг статистик ҳисобини юритиш услубига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги инновацион жараёнлар таснифини киритиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси томонидан «Кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини статистик ҳисобга олишни такомиллаштириш дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 31 майдаги 01/1-04-18/2-127-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби бўйича услубий низоми»ни такомиллаштириш имконияти яратилган;

худудларни инновацион ривожланишида КБХТнинг статистик кўрсаткичлари асосида худудлар рейтингини аниқлаш «юқори даража» (5,54 балдан 7,4 балгача), «ўрта даража» (3,67 балдан 5,54 балгача), «паст даража» (1,8 балдан 3,67 балгача) гуруҳларга ажратиш орқали такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бошқармаси томонидан «Кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини статистик ҳисобга олишни такомиллаштириш дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 31 майдаги 01/1-04-18/2-127-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий статистика органлари томонидан тайёрланадиган худудлар кесимидаги статистик маълумотларини таҳлил қилиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилган;

кўп вариантли эконометрик моделларни қуриш асосида КБХТ фаолиятининг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2026 йилга қадар ишлаб чиқилган ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Тошкент вилояти статистика бошқармаси томонидан вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги КБХТни келгусидаги ривожланиш йўналишларини белгилашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Тошкент вилояти статистика бошқармасининг 2022 йил 10 июнь 01/1-02-10/2-760-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши Тошкент

вилоятининг шаҳар ва туманларидаги КБХТни келгусида ривожланиш йўналишларини белгилаш имконини берган;

худудларнинг инновацион ривожланишида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан технологик, маркетинг ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар ҳамда ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар нисбати индексига асосланган услубий ёндашувларни киритиш орқали кичик бизнес ва ишбилармонлик муҳити соҳасидаги кузатувларнинг самарадорлигини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан «Кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини статистик ҳисобга олишни такомиллаштириш дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 31 майдаги 01/1-04-18/2-127-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши статистика идораларининг кичик бизнес соҳасидаги кузатувларни амалга оширишда, ишбилармонлик муҳити кузатуви, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бўлими ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан тайёрланадиган худудлар кесимидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш имкониятини кенгайтиришга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 14 та, шу жумладан, 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган маҳаллий илмий журналларда 3 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 14 та маъруза тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини статистик тадқиқ этишнинг назарий асослари» деб номланувчи биринчи бобида худудларни инновацион

ривожланишида КБХТ фаолиятини статистик ўрганишнинг назарий асослари, унинг иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда хориж тажрибаси таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини инновацион ривожланишида КБХТ фаолиятини илмий-назарий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий асосларини илмий тадқиқ этиш, уларни статистик баҳолаш, истиқболларини прогнозлаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган долзарб вазифа – ҳудудлар иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, бу йўлда асосан КБХТнинг аҳамияти каттадир. ЯИМ (ЯҲМ) таркибида КБХТнинг инновацион маҳсулотлар ҳажмини ошириш орқали самарадорликка эришишдан иборат. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларида табиий бойликларнинг чекланганлиги ва аҳоли сонининг ошаётганлигини инобатга олган ҳолда, ҳудудий иқтисодиётни инновацион ривожланишини таъминловчи аҳоли жон бошига инновацион маҳсулотлар ҳажми, аҳоли жон бошига ушбу соҳага киритилган инвестициялар ҳамда аҳоли жон бошига киритилган чет эл инвестициялари миқдори ва бошқа муҳим кўрсаткичларни иқтисодий-статистик жиҳатларини чуқур тадқиқ этишни талаб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай давлатнинг иқтисодиётида КБХТнинг ўрни бекиёсдир. Ривожланган мамлакатларда бизнес соҳасида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти, ялпи ички маҳсулотнинг сезиларли қисмини ташкил этади. Бугунги кунда КБХТни барқарор сиёсий, молиявий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий омили, миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсиш локомотиви деб аташ мумкин.

Тадқиқотимизда бозор иқтисодиётининг субъекти бўлган ва фойда олиш учун фаолият юритадиган, ҳудудлар иқтисодиётининг инновацион ривожланишини таъминлайдиган мустақил КБХТ корхоналари мажмуаси сифатида тушунишни ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, турли мамлакатларда кичик бизнесни таснифлаш мезонлари корхонанинг хусусиятларига, жумладан, унинг sanoatга боғлиқлигига қараб сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Бундан ташқари, кўпинча кичик бизнес тушунчасининг чегаралари объект сифатида унинг тадқиқот мақсадларини инобатга олган ҳолда ноаниқ бўлиши мумкин. Ушбу ёндашув халқаро тадқиқотларни амалга оширишда ишлатилиши мумкин, чунки турли мамлакатлардаги кичик бизнеснинг миқдорий хусусиятлари бир-биридан кескин фарқ қилади.

Классик инновацион ривожланиш назариясининг асосчиларидан америкалик иқтисодчи П.Друкерни XX асрнинг биринчи иқтисодчиси деб таърифлаган рус олими Н.Д.Кондратьев киради⁶. Н.Д.Кондратьев «Конъюнктуранинг катта цикллари ва прогноз назарияси» китобида иқтисодиётнинг циклик ривожланишини ишлаб чиқаришнинг техник тузилишига боғлиқлигини аниқлади⁷. Й.Шумпетер 1939 йилда «Иқтисодий цикллار» асарида, Н.Д.Кондратьевнинг цикллارнинг инновацион моҳияти

⁶ Друкер, П.Ф. Задачи менеджмента в XXI веке/П.Ф. Друкер. - М.: Вильямс, 2007. - 272 с.

⁷ Кондратьев, Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теории поведения. - М.: Экономика, 2002. –768 с.

концепциясидан фойдаланади ва илмий-тадқиқот ишларининг тезлашиши билан йирик иқтисодий циклларнинг давомийлигини қисқартириш ҳақидаги таклифни асослайди⁸.

Шундай экан мамлакатимиз ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Шулардан бири SWOT – таҳлили ҳисобланади.

SWOT – таҳлили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишнинг муҳим усулларида бири ҳисобланиб, кичик корxonанинг ички ва ташқи муҳитларидаги мавжуд омилларни аниқлашга йўналтирилган. Улар тўртта тоифадан иборат, яъни, Strengths (кучли томонлари), Weaknesses (бўш томонлари), Opportunities (имкониятлари) ва Threats (хавф-хатарлари).

1-жадвал

Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг SWOT таҳлили⁹


Кучли томонлари (S)	Кучсиз томонлари (W)
<ul style="list-style-type: none"> ➤ ҳудудлар миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги; ➤ ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида самарали инфратузилмалар яратилганлиги; ➤ ҳудудларда кичик корxonаларнинг экспорт қилиш имкониятларини юқорилиги; ➤ ҳудудларда арзон ишчи кучининг мавжудлиги; ➤ ҳудудларни янги техника ва технологиялар билан таъминланганлиги; ➤ ҳудудларда бой хом ашё базасининг мавжудлиги; ➤ давлат томонидан қулай инвестицион муҳит яратилганлиги; ➤ мамлакатимизда тинч осойишталик ҳукм сураётганлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ҳудудларда тайёрланаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигининг пастлиги; ➤ Маҳсулот ва хизматларнинг экспорт қилишда мураккабликлар ва кийинчиликларнинг мавжудлиги; ➤ Маҳсулотларни сотиш ва сақлашда барча ҳудудларда жойларнинг етишмаслиги; ➤ Ҳудудларда малакали ишчи кучининг етишмаслиги; ➤ Ҳудудлар кичик корxonаларида инвестицион лойиҳаларнинг камлиги; ➤ Инвестицияларнинг ҳудудларга тенг тақсимланмаганлиги; ➤ Ҳудудлардаги кичик корxonаларнинг рентабеллик даражаси пастлиги
Имкониятлар (O)	Тўсиқ (хатар)лар (T)
<ul style="list-style-type: none"> ➤ ҳудудларда кичик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида маҳсулот ва хизматларни диверсификациялаш имкониятлари мавжудлиги; ➤ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ҳудудлар кесимида кредит олиш ҳар йили аниқ дастур асосида амалга оширилиши; ➤ ҳудудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион салоҳиятини амалга ошириш имкониятларининг мавжудлиги; ➤ халқаро ташкилотлар билан тўғридан-тўғри маҳсулот экспорт қилиш юзасидан шартномалар туза олиши; ➤ бошқа чет эл кичик корxonалари ёки институционал бирликлар билан кооперациялар ташкил қила олиши; ➤ давлатимизнинг кичик корxonалар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш бўйича иқтисодий сиёсат олиб бораётганлиги; ➤ хорижий бозорларга чиқиш имкониятининг кенглиги; ➤ кичик корxonаларга интеграцион жараёнларнинг кенг йўлга қўйилганлиги 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ ички ва ташқи бозорларда нарх-навонинг кескин ўзгариб туриши; ➤ ҳудудларда меҳнатга бўлган мотивациянинг етарли эмаслиги; ➤ ҳудудларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотилмай қолиши; ➤ ҳозирги глобаллашув шароитида давлатлар ўртасида товар олди-сотди муносабатларида иқтисодий интеграциянинг узилиши; ➤ жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши; ➤ давлатларда иқтисодий-сиёсий ўзгариш

⁸ Шумпетер Й. А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия: пер. с нем. В.С. Автономов, М.С. Любский, А.Ю. Чепуренко. – М.: Эксмо, 2008. – 864 с.

⁹ Илмий тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз ҳудудларида фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожланишида кенг фойдаланиб келинаётган SWOT таҳлил асосида баҳолаймиз (1-жадвал).

1-жадвал SWOT таҳлилидан кўриниб турибдики, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда кучли томонлари билан бир қаторда заиф томонлари ҳам мавжуд. Шундай экан ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини бошқарувчи раҳбарлар заиф томонларига алоҳида эътибор беришлари лозим. Акс ҳолда ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантиришда кутилган самарадорликка эришиб бўлмайди.



1-расм. КБХТнинг ЯИМдаги улуши динамикаси, фоизда (2021 йил баҳосида)¹⁰

КБХТнинг ЯИМдаги улушини кўпайиши шу соҳа фаолияти томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажмининг ошириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижасидан иборат. Мамлакатимизда ЯИМ ҳажми 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 199,6 фоизни ташкил этган бўлса, КБХТнинг ЯИМдаги улуши эса ушбу даврда 2,0 мартага ўсганлигини таъкидлаш жоиз (1-расм).

Жаҳон иқтисодиётида кичик ва ўрта корхоналар гуруҳларини компанияларнинг умумий сонидан ажратиш учун кўплаб мезонлар қўлланилади, улар орасида энг кўп ишлатиладиганлари: компаниянинг йиллик даромади, компания активларининг қиймати, ишчилар сони ва бошқалар¹¹.

Фикримизча, КБХТ субъектларини хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сонидан ажратиш учун энг қулай ва таққосланадиган асос «корхона ишчилари сони» мезонидир. КБХТ тоифасига асосан ўрта ва микро-кичик корхоналар киради (2-жадвал).

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

¹¹ Кошелева Т.Н. Стратегии развития малого инновационного предпринимательства. – СПб: ГУАП, 2009. с.5.

Турли мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни таснифлаш мезонлари (ишчилар сони бўйича)¹²

Давлатлар	Микро корхоналар	Кичик корхоналар	Ўрта корхоналар	Кичик ва ўрта корхоналар
ЕИ давлатлари	1-9	10-49	50-249	1-249
Австралия	1-9	10-49	50-199	1-199
Канада	1-9	10-49	50-499	1-499
Япония	4-9	10-49	50-249	4-249
Жанубий Корея	5-9	10-49	50-199	5-199
Мексика	1-10	11-50	51-250	1-250
Янги Зеландия	1-9	10-49	50-99	1-99
Туркия	1-19	20-49	50-249	1-249
АҚШ	1-9	10-99	100-499	1-499
ХХР	1-19	20-99	100-499	1-499
Россия	1-15	16-100	101-250	1-250
Ўзбекистон	1-10	10-100	100-250*	1-250*

*Муаллиф таклифи: мамлакатимизда ўрта корхоналарда бандлар сонини шу ораликда бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида КБХТни инновацион қўллаб-қувватлаш аксарият ривожланган мамлакатларда давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Шунингдек, бизнесни, ўрта, кичик ва йирик корхоналар кооперациясини бирлаштирмасдан инновацион фаолиятни ривожлантириш мумкин эмас. Шунинг учун ушбу мамлакатлар ҳукуматлари инновацион жараёнларда иштирок этадиган шериклар тармоғини яратишга алоҳида эътибор беришади. Шубҳасиз, хориждаги КЎКларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ўрнатилган тизимлари бир биридан фарқ қилади, бу эса миллий иқтисодиёт эволюциясининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Аммо, ҳозирги пайтда бутун дунёда айнан инновацион фаолият дунё мамлакатлари иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий манбаига айланиши кераклиги тўғрисида умумий тушунча мавжуд. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам ўрта корхоналарни амалиётга жорий қилиш лозим деб ҳисоблаймиз (2-жадвал).

Диссертациянинг «**Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий-статистик таҳлили**» деб номланувчи иккинчи бобида худудларни инновацион ривожланишида КБХТ фаолиятини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими, шунингдек, статистик кўрсаткичлар орқали худудлар рейтингини аниқлаш, индекслар усули ёрдамида худудларда КБХТ фаолияти самарадорлиги статистик баҳоланган.

КБХТ фаолиятининг статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси КБХТнинг статистик

¹² Ҳар бир давлат бўйича интернет маълумотлари (<https://www.oecd.org/publications/oecd-sme-and-entrepreneurship-outlook-2021-97a5bbfe-en.htm>).

кўрсаткичларини Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган ҳолда умумдавлат таснифлагичи (IFUT-2) бўйича ҳисобланиб келинмоқда.

Жорий йилда тугатилган кичик тадбиркорлик субъектлари кўрсатган хизматларининг ҳар бир чорак (квартал) бўйича ҳажмини топишда қуйидаги формуладан фойдаланилади:¹³

$$V_{ln} = \frac{V_{lpr}}{V_{mpr}} \cdot V_{mn} \quad (1)$$

бу ерда: V_{ln} - жорий йилнинг n-чораги учун кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми; V_{lpr} - жорий йилда тугатилган кичик тадбиркорлик субъектлари кўрсатган хизматларининг ўтган йилдаги ҳажми; V_{mpr} - кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатган хизматларининг ўтган йилдаги ҳажми; V_{mn} - n-чорак (квартал) учун кичик тадбиркорлик субъектларининг танлама маълумотлари.

КБХТ соҳасида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматларнинг, шуниндек, қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларни ҳам статистик ҳисобга олиш учун танлама кузатиш орқали амалга ошириш мумкин.

Жорий йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг инновацион кўрсатган хизматларини чораклик (квартал) ҳажми қуйидагича ҳисобланади:

$$V_{ixkj} = \frac{V_{ixk}}{V_{xkj}} \cdot V_{mn} \quad (2)$$

бу ерда: V_{ixkj} - жорий йилнинг n-чораги учун кичик тадбиркорлик субъектларининг инновацион кўрсатган хизматлари ҳажми; V_{ixk} - жорий йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг инновацион кўрсатган хизматлари ҳажми; V_{xkj} - кичик тадбиркорлик субъектларининг кўрсатган хизматлари ҳажми; V_{mn} - n-чорак (квартал) учун кичик тадбиркорлик субъектлари танлама маълумотлари.

Республикаimiz ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий КБХТ кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда унинг рейтингини аниқлаб олиш лозим.

КБХТнинг рейтингини аниқлашдаги асосий кўрсаткичлар тизими қуйидагилардан иборат:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, млрд. сўм).

2. КБХТ томонидан технологик, маркетинг ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, млрд. сўм).

3. КБХТга жорий қилинган инновациялар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик).

4. КБХТнинг ЯИМ ва ЯҲМ даги улуши (млрд. сўм).

¹³ Муаллиф томонидан таклиф қилинаётган вариант.

¹⁴ Муаллиф томонидан таклиф қилинаётган вариант.

5. КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ҳажми (млрд. сўм).

6. КБХТ субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлар ҳажми (млрд. сўм).

7. КБХТ субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд. сўм).

8. КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматлари ҳажми (млрд. сўм).

9. КБХТ субъектларининг товарлар ва хизматлар экспорти (млн. долл).

10. КБХТ субъектларининг товарлар ва хизматлар импорти (млн. долл).

11. КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми (млрд. сўм).

Ҳудудларнинг КБХТ кўрсаткичлари бўйича рейтингини баҳолаш босқич (қадам)лари қуйидагича амалга оширилиши лозим:

1-босқич: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий (11) рейтинг кўрсаткичлари аниқлаб олинади.

2-босқич: Ҳар бир кўрсаткич бўйича унинг энг катта (максимал) қиймати танлаб олинади:

$$\max_{(K_{ij})} \{K_{ij}\}, j = 1, n \quad (3)$$

бу ерда: i - қаралаётган кўрсаткич; j - ҳудуд; n - ҳудудлар сони.

3-босқич: Ҳар бир i кўрсаткич бўйича ҳудудларнинг рейтингини аниқланади.

Ҳудудлар рейтингини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$R_{ij} = \frac{10 \cdot K_{ij}}{\max(K_{ij})} \quad (4)$$

бу ерда: R_{ij} – j ҳудуднинг i кўрсаткич бўйича рейтинг бали;

K_{ij} – i кўрсаткичнинг j ҳудуддаги қиймати;

$\max(K_{ij})$ – i кўрсаткичнинг максимал қиймати.

4-босқич: Ҳар бир ҳудуд бўйича аниқланган кўрсаткичлар рейтингини йиғиндиси кўрсаткичлар сони (n)га бўлинади:

$$R_j = \frac{\sum_{i=1}^n R_{ij}}{n} \quad (5)$$

бу ерда: R_j – j ҳудуднинг умумлаштирувчи рейтинг бали.

5-босқич: Рейтинг бали бўйича ҳудудлар 3 та гуруҳга ажратилади (юқори, ўрта ва паст даража). Бунда гуруҳлаш оралиғини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$h = \frac{R_{max} - R_{min}}{3} \quad (6)$$

бу ерда: R_{max} ва R_{min} ҳудудларнинг энг юқори ва энг паст баллари (Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳудудларни умумлаштурувчи рейтинг бали).

**Республика ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
2010-2021 йиллардаги асосий кўрсаткичлари бўйича аниқланган
рейтинги¹⁵**

Ҳудудлар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	Ўртача
Қорақалпоғистон Республикаси	1,7	0,9	1,4	3,7	3,1	6,0	4,2	4,5	3,8	1,4	1,2	2,4
Андижон	0,9	0,3	0,9	5,0	5,5	5,0	4,5	6,2	7,0	4,2	3,1	2,8
Бухоро	2,4	1,4	2,9	7,0	6,1	8,3	6,6	8,2	9,7	3,3	3,2	4,6
Жиззах	4,3	1,7	2,3	6,2	4,3	6,5	8,6	5,4	9,3	3,0	3,2	4,4
Қашқадарё	0,5	0,2	0,4	4,7	3,4	5,2	3,8	5,2	6,0	1,6	1,4	1,8
Навоий	6,7	4,2	7,8	10,0	9,8	10,0	9,0	8,6	9,8	4,4	5,2	7,4
Наманган	3,3	1,8	1,8	4,4	4,1	4,8	5,6	5,3	5,6	3,2	2,9	3,6
Самарқанд	2,1	0,9	0,7	5,4	4,7	5,2	5,8	6,4	7,3	3,5	3,5	3,4
Сурхондарё	1,2	1,5	3,4	4,4	1,8	5,2	5,0	5,6	6,6	2,4	2,0	3,1
Сирдарё	7,1	6,3	7,9	6,5	8,0	6,9	7,8	5,1	9,0	8,1	7,2	7,2
Тошкент	5,6	2,2	3,3	6,8	9,3	5,2	7,5	10,0	7,3	9,4	9,7	6,4
Фарғона	3,1	2,0	2,8	4,1	4,7	4,6	4,2	6,1	4,9	3,2	2,8	3,7
Хоразм	2,6	0,5	1,0	5,2	3,2	5,8	5,2	5,6	7,2	2,1	1,8	2,8
Ўртача балл	2,5	1,2	2,0	5,5	4,7	5,9	5,8	6,2	7,0	3,3	3,0	3,8

Мамлакатимиз ҳудудларини рейтинг бабини аниқлашда уларни 3 та гуруҳга ажратамиз (юқори, ўрта ва паст даража). Бу ерда 2010-2021 йилларда 11 та кўрсаткич бўйича 13 та ҳудудни 3 та гуруҳга ажратамиз. 13 та ҳудудни 11 та кўрсаткичлар бўйича рейтингини таҳлил қиладиган бўлсак, энг юқориси Навоий вилояти (7,4) ва энг паст натижа Қашқадарё вилояти (1,8) эканлиги аниқланди. Бунда гуруҳлаш оралиғини аниқлаш учун қуйида қайд этилган формуладан фойдаланилди:

$$h = \frac{R_{max} - R_{min}}{3} = \frac{7,4 - 1,8}{3} = 1,87 \text{ балл}$$

- 1-гуруҳ: 5,54 балдан 7,4 балгача;
- 2-гуруҳ: 3,67 балдан 5,54 балгача;
- 3-гуруҳ: 1,8 балдан 3,67 балгача.

Барча ҳудудларда аҳоли жон бошига келтирилган асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва рейтингини аниқлашда интеграл кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар бўйича ўртачадан юқори даражада ривожланган ҳудудлар гуруҳига (индекс 5,54 дан 7,4 гача) Навоий (7,4), Сирдарё (7,2), Тошкент (6,4) кирази. Ўртача ривожланиш даражасидаги гуруҳига (индекс 3,67 дан 5,54 гача) Бухоро (4,6), Жиззах (4,4) ва Фарғона (3,7) ҳудудлари кирази ва ўртачадан паст даражадаги ривожланиш гуруҳига, яъни индекси 1,45 дан 2,41 гача ҳудудларга Наманган (3,6), Самарқанд (3,4), Сурхондарё (3,1), Андижон (2,8), Хоразм (2,8), Қорақалпоғистон Республикаси (2,4), Қашқадарё (1,8) кирази (4-жадвал).

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2010-2021 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2010-2021 йиллардаги асосий кўрсаткичлари рейтинги бўйича гуруҳланиши¹⁶

Гуруҳлар	Вилоятлар	Ўртача балл	Баҳо
1-гуруҳ; 5,54-7,4	Навоий	7,4	Ўртачадан юқори
	Сирдарё	7,2	
	Тошкент	6,4	
2-гуруҳ; 3,67-5,54	Бухоро	4,6	Ўртача
	Жиззах	4,4	
	Фарғона	3,7	
3-гуруҳ; 1,8-3,67	Наманган	3,6	Ўртачадан паст
	Самарқанд	3,4	
	Сурхондарё	3,1	
	Андижон	2,8	
	Хоразм	2,8	
	Қорақалпоғистон Республикаси	2,4	
	Қашқадарё	1,8	

Ҳудудларни инновацион ривожланишида КБХТ фаолияти самарадорлигини статистик баҳолашнинг асосий усулларида бири бу – «Иқтисодий индекслар» ҳисобланади.

Ҳудудларда КБХТ фаолияти самарадорлигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичларидан бири бу меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлашда академик С.Г.Струмилин томонидан тавсия этилган ўртача индексдан фойдаланишни лозим деб топдик. Тадқиқотимизда ҳудудларнинг меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун қуйидаги ўртача арифметик (С.Г.Струмилин) индексини қўладик:

$$I_w = \frac{\sum \left(\frac{Q_1}{T_1} : \frac{Q_0}{T_0} \right) \cdot T_1}{\sum T_1} \quad (7)$$

Бу ерда: Q_0 , Q_1 – базис ва жорий даврларда КБХТ томонидан ишлаб чиқарилган ЯҚҚ ҳажми;

T_0 , T_1 – базис ва жорий даврларда КБХТ соҳасида банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони.

Бу индекс, ўрганилаётган тўпламдаги барча бирликлар бўйича меҳнат унумдорлигининг неча марта ўсган (камайган)лигини ёки ўсиш (пасайиш) неча фоизни ташкил этганлигини кўрсатади. Мазкур индексдан фойдаланган ҳолда КБХТ соҳаси бўйича меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқланди (5-жадвал).

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2010-2021 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида 2011-2021 йилларда КБХТ соҳасида меҳнат унумдорлиги динамикаси
(олдинги йилга нисбатан, март)¹⁷

Ҳудудлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	Ўртача
Қорақалпоғистон Республикаси	0,051	0,050	0,049	0,049	0,055	0,049	0,048	0,048	0,049	0,055	0,055	0,051
Андижон	2,351	2,385	2,350	2,390	2,533	2,294	2,288	2,149	2,054	2,105	1,989	2,257
Бухоро	0,708	0,679	0,676	0,689	0,828	0,632	0,587	0,626	0,592	0,628	0,627	0,658
Жиззах	0,564	0,535	0,556	0,563	0,671	0,604	0,599	0,652	0,618	0,754	0,772	0,622
Қашқадарё	2,676	2,529	2,609	2,583	2,704	2,664	2,664	2,651	2,361	2,407	2,195	2,544
Навоий	0,322	0,278	0,310	0,305	0,353	0,301	0,307	0,262	0,237	0,256	0,229	0,285
Наманган	3,095	2,857	2,981	3,146	4,222	3,274	3,421	3,381	2,934	4,073	4,521	3,406
Самарқанд	1,715	1,605	1,594	1,570	1,525	1,585	1,541	1,530	1,347	1,407	1,366	1,522
Сурхондарё	0,640	0,628	0,635	0,637	0,665	0,641	0,633	0,650	0,636	0,712	0,700	0,652
Сирдарё	0,454	0,426	0,409	0,407	0,410	0,384	0,367	0,381	0,339	0,358	0,337	0,387
Тошкент	3,639	3,065	3,532	3,622	4,087	3,767	3,554	3,648	3,302	3,750	3,603	3,589
Фарғона	1,310	1,155	1,243	1,255	1,472	1,271	1,244	1,323	1,192	1,432	1,374	1,294
Хоразм	0,514	0,484	0,491	0,483	0,571	0,510	0,469	0,559	0,491	0,542	0,535	0,513
Ўртача	0,899	0,842	0,865	0,864	0,963	0,865	0,844	0,860	0,787	0,878	0,840	0,841

5-жадвал маълумотлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм ҳудудларида КБХТ соҳасида маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати, ходимлар сонининг ўсиш суръатидан пастлиги натижасида меҳнат унумдорлиги даражаси пасайган. Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ҳудудларида эса меҳнат унумдорлиги даражасининг ошганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Республикамиз ҳудудларида 2011-2021 йилларда КБХТда меҳнат унумдорлигининг энг юқори кўрсаткичи 2015 йилда 0,963 мартага ошганлигини (олдинги йилга нисбатан), энг паст кўрсаткич 2019 йилда 0,787 мартани ташкил этгани аниқланди. Меҳнат унумдорлиги энг юқори бўлган ҳудуд Тошкент (3,589), энг паст ҳудуд эса Қорақалпоғистон Республикаси (0,051)ни ташкил қилган. Шу бўйича 3 та гуруҳга ажратамиз:

1-гуруҳ: 2,409 – 3,589

2-гуруҳ: 1,230 – 2,409

3-гуруҳ: 0,050 – 1,230

2011-2021 йилларда КБХТда меҳнат унумдорлиги даражасининг ўртачадан юқори бўлган ҳудудларга Қашқадарё (2,544), Наманган (3,406), Тошкент (3,589) кирган бўлса, ўртача меҳнат унумдорлигига эришган ҳудудларга Фарғона (1,294), Самарқанд (1,522), Андижон (2,257) тенг бўлган. Ўртачадан паст ҳудудларга эса, Қорақалпоғистон Республикаси (0,051), Навоий (0,285), Сирдарё (0,387), Хоразм (0,513), Жиззах (0,622), Сурхондарё (0,652), Бухоро (0,658) вилоятлари кирган.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг КБХТнинг меҳнат унумдорлиги динамикаси бўйича гуруҳланиши¹⁸

Гуруҳлар	Ҳудудлар	КБХТда 2011-2021 йилларда ўртача меҳнат унумдорлиги динамикаси	Баҳоланиши
2,409-3,589	Тошкент	3,589	Ўртачадан юқори
	Наманган	3,406	
	Қашқадарё	2,544	
1,230-2,409	Андижон	2,257	Ўртача
	Самарқанд	1,522	
	Фарғона	1,294	
0,051-1,230	Бухоро	0,658	Ўртачадан паст
	Сурхондарё	0,652	
	Жиззах	0,622	
	Хоразм	0,513	
	Сирдарё	0,387	
	Навоий	0,285	
	Қорақалпоғистон Республикаси	0,051	

Юқорида келтирилган статистик таҳлиллардан кўриниб турибдики, ўртачадан паст бўлган 7 та ҳудудда меҳнат унумдорлиги паст даражада эканлигини (6-жадвал) кўришимиз мумкин.

Диссертациянинг «**Ҳудудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш**» деб номланувчи учинчи бобида ҳудудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини эконометрик моделлаштиришнинг назарий асослари, Panel таҳлили асосида эконометрик моделлаштириш, КБХТ фаолияти статистик баҳоланган ва прогноз вариантлари келтирилган.

Ҳозирги инновацион иқтисодиёт шароитида иқтисодий жараёнларни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш даврида кичик корхоналар фаолиятини илмий асосланган статистик кўрсаткичлар тизими асосида чуқур таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг мавжуд имкониятларини белгилаш ҳамда ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан статистик таҳлил ва эконометрик моделлаштиришни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини илмий-услубий таъминлаш учун муҳим кўрсаткичларни тузиш ва прогнозлаштиришнинг услубий масалаларини ҳозирги кундаги халқаро талабларга мувофиқ олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ҳудудларда КБХТ фаолиятини ривожлантиришнинг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш учун статистик ҳисобга олишнинг анкета, танлама кузатиш, иқтисодий-математик усулларда баҳолаш ва прогноз усуллари, эконометрик моделларни татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

баҳолаш тадбиркорлик ва маҳаллий давлат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга кенг имконият яратади.

Худудларни инновацион ривожланишида КБХТни ривожланиш даражасини тўлиқ ва ҳар томонлама тадқиқ қилиш, моделлаштириш учун юқоридаги гипотезалар ва бошқа кўплаб илмий изланишларга мурожаат қилиб, Panel модели асосида ЯҚҚга КБХТ соҳасининг таъсир даражаси эконометрик моделлаштирилади.

Panel модели қуйидаги эконометрик моделларни ўз ичига қамраб олади: Pooled OLS estimator (POLSE), Fixed effects estimator(FEE), First differences estimator (FDE), Random effects estimator(REE).

$$OLS\ modeli: y_{it} = \beta_0 + \beta_1 x_{1it} + \beta_2 x_{2it} + u_{it} \quad (8)$$

